

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.QX.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ РЫСНАЗАР ОРАЗБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ БИОЦЕНОЗИДА ИККИ
ҚАНОТЛИЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
ЗАРАРКУНАНДА ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Table of Contents of Doctor's Dissertation Abstract (DSc) in Agricultural
Sciences**

Юсупов Рысназар Оразбаевич

Қорақалпоғистон полиз экинлари биоценозида икки канотлиларнинг
ривожланиш биоэкологияси ва зарарқунанда турларига қарши кураш
тадбирларини илмий асослаш..... 3

Юсупов Рысназар Оразбаевич

Научное обоснование биоэкологии развития двукрылых в биоценозе бахчевых
культур Каракалпакстана и мероприятия по борьбе с вредоносными
видами 27

Yusupov Risnazar Orazbaevich

Bioecology of Diptera development in the biocenosis of melon crops in
Karakalpakstan and scientific justification for measures to control harmful
species..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.QX.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ РЫСНАЗАР ОРАЗБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ БИОЦЕНОЗИДА ИККИ
ҚАНОТЛИЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
ЗАРАРКУНАНДА ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Qx129 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Торениязов Елмурат Шерниязович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хўжаев Шомил Турсунович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Хайтмуратов Арслонбек Файзуллаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Садуллаев Санжарбек Мадиярович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.QX.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

Ф.М.Ҳасанова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.н., профессор

Ж.Ҳ.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда полиз экинларидан юқори ҳосил олиш учун зараркунандаларга қарши кураш тадбирларини қўллаш ва ҳосилни сақлаб қолиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. ФАО ташкилоти маълумотларига кўра, қовун етиштириш бутун дунё бўйлаб асосий қишлоқ хўжалиги соҳасига айланган бўлиб, 2021 йилда 28 млн тонна маҳсулот етиштирилган: Полиз экинлари асосан Хитой, Туркия, Эрон, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон, АҚШ, Испания, Италия, Гуатемала ва Ўзбекистон давлатларида энг кўп етиштирилади¹. Полиз экинларининг асосий зараркунандалари ҳисобланган икки қанотлилар (Diptera) туркуми вакиллари қовун пашша ва ғовакловчи пашша қуртлари генератив ва вегетатив органларини зарарлаб, олинадиган ҳосилнинг 80-100% камайишига сабаб бўлмоқда. Икки қанотлилар туркуми зараркунандаларига қарши кураш тадбирларини ўтказмасдан юқори ҳосилдорлик олиб бўлмайди.

Жаҳонда экилаётган полиз экинларига зарар келтирадиган зараркунандаларнинг ривожланиш биоэкологияси, динамикаси, зарар келтириш мезонини ўрганиш асосида қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда илмий-тадқиқотлар натижаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Полиз экинларидан қовун (*Cucumis melo* L.), тарвуз (*Citullus lanatus* L.), қовоқ (*Cucurbita maxima* L.) биоценозида кўплаб зараркунандалар тарқалиб, ҳосилнинг сифат ва миқдорига юқори даражада салбий таъсири аниқланган. Мазкур муаммони бартараф этиш учун зараркунандаларнинг биоэкологик ривожланишига таъсир этадиган абиотик ва биотик омилларини ҳисобга олган ҳолда қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий -тадқиқот олиб бориб, натижаларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон фармони «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»²ги белгилангандек, Республика шароитида полиз экинлари биоценозида сўнгги йилларда икки қанотлилар (Diptera) туркумининг зараркунанда турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш, мавжудларини янги инновацион технологиялар асосида тадқиқ қилиш ва илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Натижада, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича белгилаб берилган вазифаларни тўғри бажариш имконияти кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси 2023 йил 9-ноябрдаги ЎРҚ-877-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 апрелдаги ПҚ-121-сон “Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда

¹ <http://symborg.com/en/benefited-crops/melon/>. <https://ru.atlasbig.com/strany-po-proizvodstvu-dyni>.

² <https://www.lex.uz/uz/docs/-4567337>

мазкур диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларда ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Полиз экинларининг морфологик, биоэкологик хусусиятларига боғлиқ биоценознинг асосий таркиби ҳисобида ривожланадиган зараркунандалари, юқори зарар келтирадиганлиги аниқланган. Ушбу турларнинг биологик ва экологик ривожланиш хусусиятлари, ривожланиш динамикаси, келтирадиган зарар мезонини ҳисобга олиб, қарши кураш тадбирларини ташкиллаштириш учун ўзига хос томонларини аниқлаб, тавсиялар бериб борилмоқда.

Ижобий натижаларга эришилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида бажарилганлиги, жумладан, Pir Mehr Ali Shah Arid Agriculture University Rawalpindi (Покистон), University of Tehran (Эрон), University Putra Malaysia (Малайзия), College of Environment and Plant Protection Hainan University (Хитой), University of Massachusetts (АҚШ), University of Delhi (Ҳиндистон), Rajshahi University (Бангладеш), University of Ankara (Туркия), Арманистон ўсимликларни химоя қилиш институти (Арманистон), Тожикистон аграр университети (Тожикистон), Қозоғистон давлат аграр университети (Қозоғистон), Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти (Россия) олимлари томонидан полиз экинлари зараркунандаларига қарши самарали натижа берадиган илмий тадқиқотларнинг назарий ва илмий асослари яратилди.

Тадқиқот натижаларини жорий этишда полиз экинлари далаларида сўнгги йилларда пайдо бўлиб, асосий зараркунанда турларига айланган икки қанотлилар туркуми вакиллари аниқлаш талаб этилади. Зараркунандаларнинг ташқи муҳит омилларига боғлиқ ривожланиш биоэкологияси, динамикаси, зарар келтириш мезони асосида қарши кураш тизимини ташкиллаштириб, тарқалган ареаллари ва ривожланишини бошқариш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Полиз экинлари биоценозида зарар келтирадиган икки қанотлилар туркуми зараркунанда турларининг ривожланиш биоэкологиясига боғлиқ кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича хорижий давлат олимларидан В.Н.Рекач, Д.С.Бахышев, М.Н.Кандыбина, А.Барис, S.Cobanog`lu, G.H.Chughtai, L.Khan, E.Eghtedar, A.Mohammadipour, N.A.Janjua, D.Mete, J.Stonehouse, S.M.Sadeed, A.Harvey, F.Ullah натижали тадқиқотлар олиб борган. Ўрта Осиё мамлакатларида А.Б.Торбекова, Х.Қ.Торыбаев, Д.Толихов, Т.Ахмедов, З.Имамкулова, жумладан Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Қорақалпоғистон агробиоценози полиз экинларида тарқалган зараркунанда турларини аниқлаш, биоэкологиясини ўрганиш ва қарши кураш тадбирларини олиб бориш бўйича Ш.Т.Хўжаев, Е.Ш.Торениязов, А.Утепбергеновлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва илмий натижалар олинган.

Тадқиқотлар натижаларига қарамасдан, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон

Республикаси полиз экинларида икки қанотлилар (Diptera) туркуми зараркунанда турлари кўпайиб, тарқалган ареаллари, келтирадиган зарар мезони бўйича биологик, хўжалик ва иқтисодий аҳамиятида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Зараркунанданинг келтирадиган зарарини бўлдирмаслик учун янги инновацион ғоялар асосида қарши кураш тадбирларини илмий асослаш учун илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қорақалпоғистон агробиоценози полиз экинлари турларида учрайдиган зараркунандаларга қарши атроф муҳит учун зарарсиз кураш тадбирларини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.); ИЗ-202010131 «Қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Vig.) га қарши феромонли тутқичлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (2021-2023) инновацион лойиҳалар доирасида, тадқиқотларнинг узвий давоми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: полиз экинлари биоценозида учрайдиган икки қанотлилар (Diptera) туркуми вакиллари биоэкологик ривожланиш хусусиятига боғлиқ турларга ажратиш, зараркунанда турларининг зарар келтириш даражасини, табиий кушандаларнинг аҳамиятини тадқиқ этган ҳолда қарши кураш усулларининг самарадорлигини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полиз экинлари (қовун, тарвуз, қовоқ) биоценозида абиотик омилларнинг вужудга келадиган қулай микроклимга таъсирини белгилаш;

полиз экинларида тарқалган икки қанотлилар туркуми вакиллари зараркунанда, энтомофаг ва иккиламчи турларга ажратиш, абиотик омилларнинг қовун пашша зараркунандасининг ривожланиш фазаларига таъсирини аниқлаш;

икки қанотлилар туркуми зараркунанда турларининг биоэкологик ривожланиш хусусиятларини, динамикасини ва тарқалиш ареалларидаги ўсимлик турларини, зарар келтириш даражасини аниқлаш;

асосий зараркунанда турларининг ривожланиш фазаларини камайтирадиган табиий кушандаларнинг имкониятларини аниқлаш ва агротехник усулларни қўллаш;

зараркунандага қарши феромон тутқичларни қўллаш ва иқтисодий зарар келтириш мезонидан сони ошганда истикболли инсектицидларни қўллашнинг мақбул меъёри ва муддатларини белгилаш, энтомофагларга таъсирини аниқлаш;

икки қанотлилар туркуми зараркунанда турларига қарши кураш тадбирларининг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси иқлим шароитида экилаётган полиз экинлари турлари, икки қанотлилар туркуми вакиллари, табиий кушандалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Полиз экинлари биоценозида ривожланадиган икки қанотлилар туркуми зараркунандаларига қарши кураш тадбирларининг

биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар умумий энтомология, қишлоқ хўжалик энтомологияси, зараркундаларга қарши кураш тадбирлари бўйича ишлаб чиқилган усул ва услублар ёрдамида бажарилган. Полиз экинларида учрайдиган зараркундалар ва энтомофаглар турларини аниқлаш учун кузатувлар олиб бориш ва намуналар йиғиш Б.П.Адашкевич услубларидан фойдаланилди. Икки қанотлилар туркуми вакиллариининг биоэкологик ривожланиши, динамикаси ва бошқа хусусиятларини ўрганиш ҳамда фенокалендар тузиш Б.В.Добровольский, Е.А.Дунаев, К.К.Фасулати, В.Ф.Палий услублари асосида бажарилди.

Биоматериалларни йиғиш, турларини аниқлашда В.Б.Голуб ва бошқалар томонидан ишлаб чиқарилган методларидан фойдаланилди. Зараркундаларнинг зарар келтириш мезонлари, зарарланмаган ўсимлик турига таққосланадиган В.И.Танскийнинг услубига мувофиқ ўрганилди.

Пашшаларга қарши агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев услубий кўрсатмалари билан амалга оширилди. Қўлланилган қарши кураш тадбирларининг биологик самарадорлиги В.Аббот формуласи ёрдамида ва иқтисодий самарадорлиги К.А.Гар, А.Ф.Ченкин услубида ҳисобланди.

Тадқиқотлар вариантларини жойлаштириш ва олинган натижаларга математик-статистик ишлов берилиб, дисперсион таҳлил қилиш Б.А.Доспехов услуби асосида ишланди. Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг «Мониторинг ва ахборот технологияларни қўллаш бўлимида» яратилган компьютер дастури ёрдамида «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилиб, вариантлар орасидаги энг кичик ишончли фарқ (ЭКИФ) аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон ҳудуди полиз экинлари биоценозида ёз ойларида ҳаво ҳарорати бошқа ўсимлик турларига нисбатан 4,9-6,5 °С га паст, нисбий намлик 3,1-5,9 %га юқори бўлиши, қулай микроиқлим шароитларининг вужудга келишида асосий абиотик омиллар сифатида белгиланган;

полиз экинлари далаларида тарқалган икки қанотлилар туркуми вакиллариининг зараркундалар ҳисобида қовун пашша - *Myiopardalis pardalina* Big, ғовакловчи пашша - *Liriomyza bryoniae* (Kaltenbach), энтомофаглардан сирфид пашша - *Scaeva pyrastris* L., тахина пашша - *Clytiomyia helluo* F., галлиц афидимиза - *Aphidoletes aphidimyza* Rand., иккиламчи турлардан қарам пашша - *Delia floralis*., қора пашша - *Musca domestica*., ҳақиқий чивин - *Culex pipiens*., дрозфила мева пашша - *Drosophila melanogaster*., кулранг майда пашша - *Simulium argyreatum*., шерча-хамелеон пашша - *Stratiomys chamaeleon*., яшил ялтироқ пашша - *Lucilia sericata*., кулранг гўшт пашшалар - *Sarcophaga carnaria* биоценознинг асосий таркибий қисмларидан бири эканлиги аниқланган;

қовун пашшаниннг ривожланиш биоэкологиясидаги асосий хусусиятларидан бири, қўйи чегараси 10 °С ҳисобланганда: ўртача тухумига 55,6°С, қуртига 213,3°С, ғумбагига 244,6°С, жами 513,5°С талаб этилганлиги ва қишлоқга кетган ғумбаклари келгуси йили куз ойида 3,1 %, икки йилдан сўнг 1,1 % чиқиш имконияти мавжуд эканлиги, мазкур агроиқлим шароитига тўла

мослашганлиги исботланган;

Ғовакловчи пашша ҳудуд шароитида сўнгги йиллари пайдо бўлиб, бугунги кунда қовунда 17,4-22,7%, тарвузда-10,5-16,2%, қовоқда-15,3-26,1% ва бодринг ўсимлигининг 16,5-31,4% баргларида қуртларнинг ривожланганлиги ҳисобга олиниб, қовуннинг бир баргида 5,1-10,4 донадан 26,3-37,8 донагача қуртлари ривожланганда, туптаги мевалар вазни 0,5-1,9 кг, қовоқда 9,4-46,1 донаси 0,4-1,5 кг ҳосилни камайтириб, сифатига салбий таъсир этганлиги илмий асосланган;

Икки қанотлилар туркуми зараркундаларининг қурт ва ғумбакларини стафилинид, йиртқич қўнғиз ва чумолилар томонидан ва ўргимчак тузоқларига илиниб, етук зотларининг камайганлиги, турлар сонини бошқаришда айрим агротехник усулларнинг самарадорлиги баҳоланган;

қовун пашша етук зотининг тарқалишини аниқлашда феромон тутқичларни қўллаш, кимёвий препаратларнинг зараркунанда пашшаларга ва энтомофагларга таъсири ҳамда уларнинг полиз экинларини химоя қилишда биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

полиз экинлари биоценозининг микроиқлим шароити элементларига боғлиқ бўлган ҳашаротлар турларига абиотик омилларнинг салбий, ижобий таъсирлари аниқланди;

қовун пашша (*M.pardalina*), ғовакловчи пашша (*L.bryoniae*) турларининг биологик ва экологик ривожланиш хусусиятлари ва тарқалган ареаллари белгиланиб, сонини башорат қилиш ва бошқариш усуллари ишлаб чиқилиб, қишлоғга кетган ғумбакларига қарши агротехник усуллардан кузги шудгор ва шўр ювиш тадбирларини, алмашлаб экишни йўлга қўйиш, вегетация даврида ғовакловчи пашша қуртлари зарарлаган барглар механик усулда йўқ этилиб, ҳосил сақлаб қолинган;

қовун пашша тарқалган полиз экинлари далаларда қуртлари ва ғумбагини табиий қушандалардан стафилинид, йиртқич қўнғиз ва чумолилар, икки қанотлилар туркуми етук зотларини далаларда тарқалган ўргимчак тўрларига ушланиши натижасида йўқ қилинган;

қовун пашша етук зотининг тарқалишида феромон тутқичларни гектарига қўллаш миқдори тадқиқ қилинган;

Икки қанотлилар туркуми зараркундаларига қарши қўлланилган Парам 55% эм.к., Дефентокс 2,5% эм.к., Энжио 24,7% сус.к., Далатэ 5% эм.к., Децис, 2,5% эм.к., Конфидор, 20% эм.к., Моспилан, 20% н.кук., Вертимек, 1,8% эм.к. препаратларининг юқори биологик самарадорлиги ва гектаридан 75,8-207,4 центнер ҳосил сақлаб қолиниши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини бажаришда лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари энтомология ва қишлоқ хўжалиги илмида умум эътироф этилган услубий қўлланмаларидан фойдаланилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг яқунлари бўйича бир-бирига мослиги, чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, ишлаб чиқаришга жорий этилган тадқиқот натижаларнинг маҳаллий ва хорижий тажрибалар билан таққосланиб, таҳлил қилинганлиги,

илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, яқунланган тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, полиз экинлари биоценозининг икки қанотлилар туркуми зараркунандаларидан- қовун пашша, ғовакловчи пашша, энтомофаглардан- сирфид пашша, тахина пашша, галлиц афидимиза, иккиламчи-карам пашша, қора пашша, ҳақиқий чивин, дрозифила мева пашша, кулранг майда пашша, шерча-хамелеон пашша, яшил ялтироқ пашша, кулранг гўшт пашша турларининг мавжудлиги аниқланиб, зараркунандаларнинг тарқалиш ареаллари, ривожланиш биоэкологияси, динамикаси, зарар келтириш даражаси ва қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти, икки қанотлилар туркуми зараркунанда турларига қарши курашда агротехник тадбирлардан, биологик усуллардан биоценозда тарқалган табиий кушандаларнинг самарадорлиги аниқланган. Феромон тутқичлардан қовун пашшанинг тарқалишини башорат қилишда фойдаланилган, зараркунанда сони иқтисодий зарар мезонидан ошганда кимёвий препаратларни қўллаш орқали ҳосилни сақлаб қолиш ва фойдали ҳашаротларга салбий таъсирининг олдини олиши амалий жиҳатдан исботланиши билан ифодаланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Полиз экинлари биоценозида икки қанотлилар туркуми зараркунанда турларининг биологик ва экологик ривожланиш хусусиятлари, келтирадиган зарарини ўрганиб, уларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

худуд шароитида полиз экинларини етиштирадиган фермер хўжаликлари учун «Қарақалпақстан шараятында палыз егинлеринде еки қанатлылар топарының биоэкологиялық раўажланыў өзгешелиги, қарсы гүрес илажлары», «Полиз экинларидан қовун, тарвузни зарарли омиллардан ҳимоя қилиш бўйича илмий асосланган тавсиялар», «Палыз егинлериндеги еки қанатлылар топары зыянкеслерине қарсы гүрес илажларын шөлкемлестириў бойынша усыныслар» номли тавсияномалар тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 30 сентябр 03/017-3852-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари томонидан амалий фаолиятида фойдаланиб келинмоқда;

қовун пашшасига қарши курашда агротехник тадбирларни олиб бориш, мевага тухум қўйишнинг олдини олиш учун ҳимояловчи воситалардан фойдаланиш, етук зотига қарши эрталабдан кимёвий усулни қўллаш бўйича олинган натижалар 2350 гектарда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 30 сентябр 03/017-3852-сон маълумотномаси). Натижада, агротехник тадбирларнинг биологик самарадорлиги 70,5-93,2%ни, ҳимояловчи воситалар 94,7-97,3%ни, кимёвий

препаратлар 96,3-98,9%ни ташкил қилган, гектаридан 145,3-155,7 центнер ҳосил ҳимоя қилиниб, 306,0-337,1% рентабеллик даражасига эришилган;

полиз далаларида сўнги йиллари пайдо бўлиб, баргларга зарар келтирадиган ғовакловчи пашша турига қарши кураш услублари 112 гектар майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 30 сентябр 03/017-3852-сон маълумотномаси). Натижада 1 сўм 1,3-4,0 баравар қопланганлиги аниқланган;

ишлаб чиқаришга тавсия этилган кимёвий препаратлардан қовун пашшага қарши Парам 55% эм.к., Дефентокс 2,5% эм.к., Энжио 24,7% сус.к., Далатэ 5% эм.к. препаратлари қўлланилиб, 3256 гектарга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 30 сентябр 03/017-3852-сон маълумотномаси). Натижада, 97,4-98,9% биологик самарадорликка эришилиб, тадбирнинг хўжалик самарадорлиги 195,3-207,4 ц/га.ни ташкил қилган ва гектарига 18493,8-19166,1 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилган;

қовун ва қовоқ экинида ғовакловчи пашшага қарши Децис, 2,5% эм.к., Конфидор, 20% эм.к., Моспила, 20% н.кук., Вертимек, 1,8% эм.к. препаратлар қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 30 сентябр 03/017-3852-сон маълумотномаси). Натижада, 91,0-96,0% биологик самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2018-2023 йиллар давомида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ташкил қилинган комиссияси томонидан ҳар йили апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, йиллик ва якуний ҳисоботлар институтнинг илмий Кенгашида, тадқиқот иши илмий натижалари халқаро, мамлакат миқёсидаги журналларда ҳамда республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишининг натижалари 19 та илмий ишлар нашр қилинган. Докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган чет эл ва республикамиз илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси маҳаллий ва 2 таси чет эл журналларида. Тадқиқот натижалари асосида 1 та монография, 3 та ишлаб чиқаришга тавсияномалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурияти, тадқиқотлар республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мос келиши, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Агробиоценозларда полиз экинларини зараркунандалардан химоялашнинг ҳолати ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи таҳлил қилинган бўлиб, унда полиз экинлари биоценозининг асосий ўзига хос хусусиятлари, таркибидаги биотик омиллар, зараркунандаларнинг тарқалган ареаллари, морфологияси, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар манбалари ўрганилган. Шунингдек, полиз экинларининг икки қанотли туркуми зараркунандаларининг биоэкологиясини, фенологиясини, зарар келтириш даражасини ўрганган ҳолда қарши биологик ва кимёвий кураш чораларини қўллашнинг истиқболларининг таҳлили баён этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароити, материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2018-2023 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси туманлари фермер, деҳқон ва томорқалари, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти «Ўсимликларни химоя қилиш» лабораторияси ва тажриба хўжалигида олиб борилган.

Полиз экинлари турларини экиш, далада олиб бориладиган агротехник тадбирлар, қатор орасига ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш ва ҳосилни йиғиш ишлари Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов, Х.Ч.Бўриев, М.Ю.Ибрагимовлар томонидан чоп этилган услубий кўрсатмалардан, икки қанотлилар туркуми вакилларининг турларини, фазаларининг морфологик белгилари, биоэкологик ривожланиш шароитларини аниқлаш, полиз экинларни асосий зараркунандаларининг биологик ҳамда экологик хусусиятларини ўрганиш ва фенокалендар тузишда учун В.Б.Голуб Б.П.Адашкевич, Ш.Т.Хўжаев методик қўлланмаларидан, К.К.Фасуллати, В.Ф.Палий, Б.В.Добровольский, Е.А.Дунаев услубларидан; зараркунанданинг вегетация давридаги етук зоти сони, тухуми, қурти ва ғумбага ҳисобга олиш, зарарлаш мезонини аниқлаш В.И.Танский услубидан, агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлигини ҳисобга олиш Abbot услубларидан; ҳосил миқдорини ҳисоблашда Ф.М.Успенкий, тадбирнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда А.Ф.Ченкин кўрсатмаларидан фойдаланилган, тажрибаларда олинган натижалар Б.А.Доспехов, ЎХҚИТИнинг «Мониторинг ва ахборот технологияларни қўллаш бўлимида» яратилган MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида «ўртача хатоликни», вариантлар орасидаги энг кичик ишончли фарқ (ЭКИФ) аниқланиб, математик-статистик таҳлил қилинган.

Диссертация тадқиқотлари натижалари берилган **«Қорақалпоғистон полиз экинлар биоценозида учрайдиган икки қанотли зараркунандалар ва энтомофаглар»** деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси

туманлари шароитида экилаётган полиз экинларидан қовун, тарвуз, қовоқ навлари ўсиб-ривожланиши, қўлланиладиган агротехник тадбирлар ҳудуд агроиклим ва тупроқ шароитлари ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши талаб этиладиганлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари шароитида экилаётган қовун, тарвуз, қовоқ навлари экилган далаларда икки қанотлилар туркуми вакиллари биоценозинг асосий аъзолари сифатида тарқалганлиги ҳисобга олинди. Экинлар вегетация даврининг дастлабки фазаларидан бошлаб, ҳосил йиғиб олингунга қадар қовун пашша – *M.pardalina.*, ғовакловчи пашша – *L.bryoniae.*, карам пашша – *D.floralis.*, қора пашша – *M.domestica.*, ҳақиқий чивин – *C.pipiens.*, дрозфила мева пашша- *D.melanogaster.*, сирфид пашша – *S.pyrastris.*, тахина пашша – *C.helluo.*, галлиц афидимиза – *A.aphidimyza.*, кулранг майда пашша - *Simulium argyreatum.*, шерча-хамелеон пашша - *Stratiomys chamaeleon.*, яшил ялтироқ пашша - *Lucilia sericata.*, кулранг гўшт пашша - *Sarcophaga carnaria* кўп учраган (1-жадвал).

Полиз экинларида тарқалган икки қанотлилар туркуми ҳашаротлари орасида, меваси билан озикланиши туфайли зарар келтирадиган қовун пашшаси далада июн ойидан пайдо бўлиб, август-сентябр ойида қовуннинг 100та ўсимлигида 5,4-3,7 дона, тарвузда 4,4-2,6 дона даражасида ривожланган бўлса, қовоқ далаларида кузатилмаган.

Ғовакловчи пашша қовунда сентябр ойининг дастлабки кунлари 4,1 дона, тарвузда 0,3 дона, қовоқда 14,2 дона сонда тарқалганлиги ҳисобга олинди. Далаларда энтомофаглардан сирфид пашша, тахина пашша, галлиц афидимизалар сони қовунда 2,3 дона, тарвузда 3,6 дона, қовоқда 3,0 дона етук зотлари учраганлиги қайд этилган.

Қора пашша, дрозфила мева пашша, кулранг майда пашша, шерча-хамелеон пашша, яшил ялтироқ пашша, кулранг гўшт пашшалар бу экин турларида август ойида 8,2-16,5 донагача кўпайган бўлсада, зарар келтириши ҳисобга олинмади. Бу пашшаларнинг полиз экинлари биоценозининг асосий зарар келтирадиган ва таркибидаги аҳамияти юқориларининг ривожланишидаги ташқи муҳит омилларига реакцияси, ўсимликка ижобий ва салбий таъсирларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ушбу турларнинг қовун далаларида тарқалиб, вегетатив ва генератив органлари билан озикланишга мослашган икки қанотли туркуми зараркунандаларнинг сони август ойи охири сентябр бошидаги 100та ўсимликда 9,6-7,8 донани ташкил қилган бўлса, тарвуз даласида 5,0-2,9 дона ва қовоқда 11,2-14,2 донага етиб, олинадиган ҳосилга зарар келтирган.

Мазкур турлар билан бир далада пайдо бўладиган табиий кушандалар сони дастлабки кунлар ҳисобида июнда 3,5-6,4 дона, июлда 8,3-11,0 дона, августда 12,9-17,0 дона, сентябрда 11,3-3,5 дона ривожланган динамикаси ҳисобга олинган. Полиз экинлари биоценозида тарқалганлиги, лекин ўсимлик ўсиб-ривожланишига салбий таъсир етмайдиган пашшалар турлари қовоқда август ойида 7,4-11,7 дона, қовун далаларида сентябр ойи бошида 16,5 дона, тарвузда 12,4 донагача кўпайиб, ривожланганлиги қайд этилган.

**Полиз экинлари биоценозида учрайдиган икки қанотлилар туркуми
вакиллариининг турлари**

(Қорақалпоғистон Республикаси туманлари, 2018-2022 йй)

| № | Ҳашаротлар турлари | Латинча номи | Полиз экинлари | | | Бодринг |
|----|----------------------|--|----------------|--------|-------|---------|
| | | | Қовун | Тарвуз | Қовоқ | |
| 1 | Қовун пашша | <i>Myiopardalis pardalina</i> Big | ++ | ++ | ++ | ++ |
| 2 | Ғовакловчи пашша | <i>Liriomyza bryoniae</i> (Kaltenbach) | ++ | ++ | ++ | ++ |
| 3 | Карам пашша | <i>Delia floralis</i> | + | + | + | + |
| 4 | Қора пашша | <i>Musca domestica</i> | ++ | + | + | + |
| 5 | Ҳақиқий чивин | <i>Culex pipiens</i> | + | + | + | + |
| 6 | Дрозофила мева пашша | <i>Drosophila melanogaster</i> | ++ | + | + | + |
| 7 | Сирфид пашша | <i>Scaeva pyrastris</i> L | + | + | + | + |
| 8 | Тахина пашша | <i>Clytiomyia helluo</i> F | + | + | + | + |
| 9 | Галлиц афидимиза | <i>Aphidoletes aphidimyza</i> Rand | + | + | + | + |
| 10 | Кулранг майда пашша | <i>Simulium argyreatum</i> | + | + | + | + |
| 11 | Шерча-хамелеон пашша | <i>Stratiomys chamaeleon</i> | + | + | + | + |
| 12 | Яшил ялтироқ пашша | <i>Lucilia sericata</i> | + | + | + | + |
| 13 | Кулранг гўшт пашша | <i>Sarcophaga carnaria</i> | + | + | + | + |

Изоҳ: + - ҳашарот далада учради,
++ - далада учраб, 30-90% зарар келтиради.

Диссертациянинг «Полиз экинларида икки қанотлилар туркумининг зараркунанда ва энтомофаг турларининг ривожланиш биоэкологияси, зарар келтириш даражаси» деб номланган тўртинчи бобида полиз экинлари турларида тарқалган икки қанотлилар туркуми вакилларидан, ўсимликларга юқори зарар келтирадиган қовун ва ғовакловчи пашшанинг ривожланиш биоэкологиясига абиотик омилларнинг ижобий ва салбий таъсирларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Полиз экинларида учрайдиган энтомофагларнинг ушбу зараркунандалар сонига таъсири ва ривожланиш динамикасидаги оралиқ экинлар таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси шимолӣ туманларининг полиз экинларида етиштирилаётган қовун даласидаги қовун пашша зараркунандаси етук зоти сони ўртача 2,5-4,3 дона учраган бўлса, тарвузда 2,6-2,7 дона учраганлиги қайд этилган. Марказий ҳудуд бўйича олиб борилган кузатувлардан Кегайли ва Нукус туманида қовун далаларида ўртача 100 туп

ўсимликда 3,5 дона, бошқа туманларда 2,1-2,4 дона учраган. Тарвуз далаларида 1,0-2,3 дона учраган. Жанубий туманларнинг қовун далаларида 1,0-2,6 дона, тарвузда 1,6 дона учраган, вақтида қарши кураш тадбирлари олиб борилмаган далаларда юқори зарар келтирганлиги қайд этилган.

Мазкур агроиклим шароитида қовун пашша ғумбак фазасида тупроқнинг 10-20 см чуқурлигида қишлоғга кетиб, баҳордаги ҳаво ҳароратининг ўртача кўрсаткичи 21,65-22,6⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 49,6-43,9% ни ташкил қилган май ойининг учинчи, июн ойи биринчи ўн кунликларида етук зоти қишлаётган жойидан учиб чиқиши кузатилган.

Зараркунанданинг қишлоғдан чиқиш муддатларини аниқлаш бўйича олиб борилган кузатувлар натижасида, ҳудуднинг шимолий туманлари шароитида дастлабки авлодлари 2002 йили 11-июн, 2003 йили 29-май, 2004 йили 5-июн, 2005 йили 27-май, 2006 йили 25-май, 2007 йили 4-июн, 2008 йили 23-май, 2009 йили 12-июн, 2010 йили 2-июн, 2011 йили 2-июн, 2012 йили 30-май, 2013 йили 31-май, 2014 йили 5-июн, 2015 йили 7-июн, 2016 йили 3-июн, 2017 йили 10-июн, 2018 йили 2-июн, 2019 йили 3-июн, 2020 йили 5-июн, 2021 йили 7-июн, 2022 йили 23-май, 2023 йили 3-июн кунлари ҳисобга олиниб, кейинги фазаларининг тарқалиши ва динамикаси аниқланди.

Зараркунанда ҳудуд шароитида полиз экинларининг эртапишар навлари, бодринг ва ит қовуннинг дастлабки пайдо бўлган меваларига тухумларини қўйиб, қуртлари мева ичида озикланадиганлиги қайд этилган.


Мазкур шароит, вегетация даврида 3 марта тўлиқ авлод бериб, абиотик ва биотик омиллар қулай келган йиллари тўртинчи авлод ғумбаклари сентябр ойи охири, октябр ойида қишлоғга кетадиганлиги аниқланган (1-расм).

| Кўрсаткичлар | Май | | | Июн | | | Июл | | | Август | | | Сентябр | | | Октябр | | | |
|----------------------------|----------|------|------|------|------|------|------|------|------|--------|------|------|---------|------|------|--------|------|------|--|
| | I | II | III | I | II | III | I | II | III | I | II | III | I | II | III | I | II | III | |
| Ўртача ҳарорат | 20,8 | 22,4 | 25,6 | 28,2 | 27,8 | 28,9 | 29,2 | 29,5 | 30,5 | 29,1 | 26,4 | 24,9 | 21,8 | 18,6 | 17,9 | 12,2 | 11,2 | 9,3 | |
| Ҳавонинг нисбий намлиги, % | 47,6 | 44,3 | 34 | 32,3 | 33,3 | 33,3 | 33,6 | 35,3 | 37,3 | 37,6 | 37,6 | 38,6 | 45,6 | 46,3 | 45,6 | 45,3 | 53,3 | 61,6 | |
| Ёғин миқдори, мм | 14,0 | 5,6 | 1,2 | 2,2 | 0,0 | 0,8 | 0,0 | 0,3 | 1,0 | 0,2 | 0,0 | 0,5 | 6,1 | 0,8 | 0,8 | 0,6 | 4,8 | 2,5 | |
| I | Етук зот | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тухум | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Қурт | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Ғумбак | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| II | Етук зот | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тухум | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Қурт | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Ғумбак | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| III | Етук зот | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тухум | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Қурт | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Ғумбак | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| IV | Етук зот | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тухум | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Қурт | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Ғумбак | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

1-расм. Қовун пашшаси зараркунандасининг ривожланиш фенограммаси
(Чимбой тумани, дала ва лаборатория шароитида, 2021-2023 йй.)

Қовун пашша ғумбаклари қишлоғва яъни диапаузага кеткандан кейин бир йилдан сўнгги куз ойларида 3,1% қишлоғдан чиқадиганлиги ва ушбу ғумбаклардан икки йилдан сўнг 1,1% етук зотларининг чиқиши маълум бўлди. Аниқланган маълумотлар зарарқунанда ривож биоекологиясидаги баҳоли, илмий асосланган янгиликлардан ҳисобланади.

Қовун пашша зарарқунандаси тухумининг эмбрионал ривожланиши ўртача 3,3-5,3 кун, қуртлари 9,6-17,3 кун, ғумбак 12,0-18,6 кун давом этиб, етук зоти 13,3-29,3 кун давомида ривожланиб, тухумига ўртача 55,6⁰С, қуртига 213,3⁰С, ғумбак фазасида 244,6⁰С, жами 513,5⁰С фойдали ҳарорат йиғиндиси талаб этиладиганлиги маълум бўлди. Зарарқунанданинг бир авлоди 28-34 кун давомида ривожланиб, полиз экинлари меваларига зарар келтирганлиги аниқланган (2-расм).



2-расм. Қовун пашша зарарқунандаси ривожланиш фазаларига зарур самарали ҳарорат йиғиндиси

(Чимбой, Беруний, Нукус туманлари ф/х шароитида, VI-VIII.)

Зарарқунанда полиз экинларидан қовун ва тарвуз меваларига келтирган зарарлилик даражаси, май ойининг учинчи ва июн ойининг биринчи ўн кунлигида сони бироз камроқ, июл ойининг учинчи ва август ойининг биринчи ўн кунликларида кўпроқ бўлиши ҳисобга олинган. Экин турлари, экиш муддатлари ва зарарқунанда етук зотининг биоценозга тўпланиб, ривожланишига боғлиқ келтирадиган зарар даражаси ҳар хил бўладиганлиги қайд этилган.

Тадқиқотлар учун ажратиб олинган қовун ўсимлиги мева ҳосил қилиш фазасида, зарарқунанда сони далада ўртача 1,8 донадан, вегетация даврининг маълум вақтгача кўпайган сони 4,9 донагача етганда, зарарланган ҳосил ўртача 77,0%ни ташкил қилганлиги, мазкур тур томонидан келтириладиган зарар

юқори бўлиши аниқланган (2-жадвал).

Зараркунанда ривожига қарши вақтида кураш тадбирлари олиб борилган далаларда бир ўсимликдаги ҳосил 4,4 кг.ни ташкил қилган. Тадбирлар ўтказилмаган, зараркунанданинг ривожланишига йўл қўйилган далалардан олинган бир ўсимликдаги ҳосил 3,0 кг., назоратга нисбатан ўртача 1,4 кг ҳосил камайган. Натижада гектаридан олинадиган ҳосилнинг миқдори 168,0 центнергача камайиши аниқланган. Қовун пашша зараркунандасининг келтириладиган зарар даражаси тарвуз далаларида ҳам қайд этилган.

Ҳудуд шароитида сўнгги йиллар далалардаги экин турларида тарқалган ғовакловчи пашша куртлари қовун ўсимлигининг битта баргларидаги сони май ойининг иккинчи ўн кунлигида 2,6 дона, июн охиригача 21,8 дона, июл ойида эса 26,3-36,3 донагача кўпайганлиги ҳисобга олинган.

2-жадвал

Қовун пашша зараркунандасининг полиз экинларига келтирадиган зарарини аниқлаш

(Чимбой тумани фермер хўжаликлари, VI-IX, 2019-2021 йй.)

| Экин тури | Далалар | Қовун пашша сони, ўртача дона | | Зарарланган ҳосил, % | Бир ўсимликдан йиғилган ҳосил, кг | Нazorатга нисбатан фарқи, кг |
|--------------------|---------------------------|-------------------------------|----------------|----------------------|-----------------------------------|------------------------------|
| | | Мева ҳосил қилиш даврида | Энг юқори сони | | | |
| Қовун | 1 | 1,4 | 5,5 | 86,7 | 2,5 | 1,9 |
| | 2 | 1,8 | 5,4 | 81,7 | 2,6 | 1,8 |
| | 3 | 2,1 | 4,6 | 72,2 | 3,3 | 1,1 |
| | 4 | 1,2 | 3,6 | 70,0 | 3,4 | 1,0 |
| | 5 | 2,7 | 5,3 | 74,4 | 3,1 | 1,3 |
| | Ўртача | 1,8 | 4,9 | 77,0 | 3,0 | 1,4 |
| | Нazorат (зараркунандасиз) | - | - | - | 4,4 | - |
| | Нazorатдан айирмаси | 1,8 | 4,9 | 77,0 | 1,4 | - |
| Тарвуз | 1 | 1,2 | 3,5 | 53,3 | 3,8 | 2,0 |
| | 2 | 0,8 | 3,4 | 41,1 | 4,1 | 1,7 |
| | 3 | 0,8 | 2,8 | 35,6 | 4,3 | 1,5 |
| | 4 | 1,1 | 3,4 | 43,9 | 4,2 | 1,6 |
| | 5 | 1,0 | 3,6 | 64,4 | 3,6 | 2,2 |
| | Ўртача | 0,98 | 3,34 | 47,7 | 4,0 | 1,8 |
| | Нazorат (зараркунандасиз) | - | - | - | 5,8 | - |
| | Нazorатдан айирмаси | 0,98 | 3,34 | 47,7 | 1,8 | - |
| ЭКИФ ₀₅ | | | | | 0,10 | |
| S _x | | | | | 2,78 | |

Куртлар сони бир баргда 5,0-10,0 бўлганда келтирадиган зарари, яъни физиологик жараёнларнинг ташки ўзгаришлари қайд этилмаган. Баргларда куртлар сони 15,0-20,0 донага кўпайганда ўзгаришлари кузатилиб, қуриб, тушиб қолган. Зараркунанда бодринг навларида фаол даражада ривожланиб, июлда 16,9-26,2 дона, августда 31,3-36,7 донага кўпайиб юқори даражада зарар келтириши аниқланган.

Зараркунанданинг ривожланиш биоэкологиясидаги асосий кўрсаткичлардан етук зотининг ривожланиши ҳисобланиб, ҳаво ҳарорати 20,6-25,3⁰С ташкил қиладиган май ойида ғовакловчи пашша етук зоти 6-7 кун давомида ҳаёт кечирган. Ҳаво ҳарорати 27,7-29,1⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 33% бўлган июн ойи давомида 7-8 кунда, 28,9-30,3⁰С, 35-37% бўлган июлда 6-7 кунда ва 26,0-27,8⁰С, 35-40% шароитидаги август ойида 8-9 кун давомида ривожланиши қайд этилган.

Ғовакловчи пашша оналик зоти май ойида 14-18 кун давомида ривожланиб, қўйилган тухумлардан куртлари 32,3 дона, июн-июл ойларида 16 кунда 30,2-31,8 дона, августда 22 кунда 36,3 дона куртларнинг ривожланиши ҳисобга олинган.

Қовуннинг бир баргида 5,1-10,4 дона куртлари ривожланганда, баргларда физиологик ўзгаришлар кузатилмаган бўлсада, бир тупдаги мевалар вазни 0,5 кг камайиб, зараркунанда куртлари сони 26,3-37,8 донага етганда, мевалар вазни 1,9 кг.гача камайганлиги аниқланган. Қовоқ баргларида ўртача 9,4-16,2 дона куртлар ривожланганда, туплардан 0,4 кг, 37,8-46,1 дона бўлганда 1,5 кг ҳосил камайиб, сифатига салбий таъсир этганлиги сабабли, зараркунандага қарши кураш тадбирларини олиб боришни тақозо этади (3-жадвал).

Агробиоценоздаги ҳар йили бир-бирига яқин, алмашлаб экиш жараёнларида полиз экинлари далаларига экилиб келаётган қишлоқ хўжалик экинлари далаларида икки қанотлилар туркуми вакилларининг вегетация давридан бошлаб сентябр ойи охиригача ривожланиш динамикаси ўрганилди. Полиз экинлари далаларидаги икки қанотлилар туркуми вакилларининг зараркунанда турлари май ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб пайдо бўлиб, август ойи охиригача фаол даражада 8,6 дона, иккиламчи турлар 13,1 дона ривожланган, энтомофаг турлари сони июл ойида 2,6-3,3 дона, август охиригача 4,8 дона учради.

Сабзавот экинлари далаларида ривожланган зараркунандалар сони сентябр ойида юқори даражасига етиб, 4,2-6,5 дона ривожланганлиги, асосан бодринг баргларида ғовакловчи пашша куртлари кўпайиб катта зарар келтириши аниқланди. Энтомофаглар сони август ойи охирида 0,8 донани ташкил қилиб, иккиламчи турлар камроқ ривожланганлиги кузатилган.

Ғовакловчи пашша куртлари техник экинлар ва бегона ўтларда бироз кам ривожланган. Икки қанотлилар туркуми зараркунандалари бегона ўтлардан ит қовун ўсимлигида фаол даражада ривожланиб, мевасига ва баргларига жиддий зарар келтириши қайд қилинди. Зараркунандаларнинг экинлар мавжуд бўлмаган далаларда ўсадиган ит қовунда 0,3 донадан 0,6-0,7 донагача кўпайишини ҳисобга олиниб, қарши кураш тадбирларини қўллаш талаб

этилади. Иккиламчи турдаги пашшалар бегона ўтларда ва техник экинлар далаларида бошқа турларга нисбатан кўпроқ ривожланганлиги қайд қилинган.

3-жадвал

Полиз экинлари турларида ривожланадиган ғовак ҳосил қилувчи пашша қуртлари сонига боғлиқ келтирадиган зарар даражаси
(Чимбой тумани, Рейимбай-Усен ф/х, VI-IX, 2021-2023 йй.)

| Экинлар | Қуртларнинг ривожланиш даражаси | Даладаги ўсимлик баргида қуртлар сони, дона | | Баргдаги ўзгаришлар | Бир тупдаги мева вазни, кг | |
|----------------------------------|-------------------------------------|---|-------------------|---------------------|----------------------------|-----|
| | | Дала | Сони | | | |
| Қовун | Барглардаги сони ўртача ривожланган | 1 | 5,2-9,6 | Ўзгармайди | 6,1 | |
| | | 2 | 4,8-10,6 | Ўзгармайди | 5,8 | |
| | | 3 | 5,3-10,9 | Ўзгармайди | 5,9 | |
| | | Ўртача | 5,1-10,4 | Ўзгармайди | 5,9 | |
| | Назорат (зараркунандасиз) | | | Ўзгармайди | 6,4 | |
| | Назоратга нисбатан | | | Ўзгармайди | 0,5 | |
| | Барглардаги сони кўп ривожланган | 1 | 27,1-36,8 | Ўзгаради | 4,8 | |
| | | 2 | 25,4-38,5 | Ўзгаради | 4,1 | |
| | | 3 | 26,3-38,1 | Ўзгаради | 4,9 | |
| | | Ўртача | 26,3-37,8 | Ўзгаради | 4,6 | |
| | Назорат (зараркунандасиз) | | | Ўзгармайди | 6,5 | |
| | Назоратга нисбатан | | | Ўзгаради | 1,9 | |
| | Қовок | Барглардаги сони ўртача ривожланган | 1 | 9,1-16,4 | Ўзгармайди | 4,5 |
| | | | 2 | 9,8-16,8 | Ўзгармайди | 4,2 |
| 3 | | | 9,2-15,4 | Ўзгармайди | 4,8 | |
| Ўртача | | | 9,4-16,2 | Ўзгармайди | 4,5 | |
| Назорат (зараркунандасиз) | | | Ўзгармайди | 4,9 | | |
| Назоратга нисбатан | | | Ўзгармайди | 0,4 | | |
| Барглардаги сони кўп ривожланган | | 1 | 38,3-44,3 | Ўзгаради | 3,5 | |
| | | 2 | 38,8-47,9 | Ўзгаради | 3,1 | |
| | | 3 | 36,4-46,1 | Ўзгаради | 3,4 | |
| | | Ўртача | 37,8-46,1 | Ўзгаради | 3,3 | |
| Назорат (зараркунандасиз) | | | Ўзгармайди | 4,8 | | |
| Назоратга нисбатан | | | Ўзгаради | 1,5 | | |
| | | | | ЭКИФ ₀₅ | 0,06 | |
| | | | | S _x | 1,14 | |

Худуд шароитида ғўза, полиз, кунжут, макка, жўхори, сабзавот, боғларнинг ён атрофида ўсаётган итқовун меваларининг 10,1-86,9% зарарланганлиги аниқланди. Энг кўп микдорда полиз экинлари далалари атрофидаги ит қовун меваларининг 80,4-86,9%гача зарарланганлиги қайд қилинди. Қарши кураш тадбирларни олиб бориш орқали зараркунанданинг тарқалиш ареалларини камайтириш имконияти мавжудлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Полиз экинлари икки қанотлилар туркуми зараркунандаларига қарши кураш усуллари**» деб номланган бешинчи бобида зараркунандалар сонини камайтиришда полиз экинлари турлари учун тавсия этилган агротехник тадбирлардан бири - алмашлаб экиш жорий этилганда, қовун пашшаси етук зоти сони пайдо бўлиши камайиб, зараркунанда ривожининг олди олинадиган усуллардан эканлиги илмий жиҳатдан ўз тасдиқини топган.


Полиз экинлар ҳосили йиғиб олиниши билан, ўсимлик қолдиқларидан далалар тозаланиб, кузги шудгор ва шўр ювиш тадбирлари олиб борилганда қишлоғга кетган зараркунанда ғумбакларининг 93,2%, кузги шудгор ва баҳорги шўр ювиш тадбирлари 72,7%, баҳорги шудгор ва шўр ювиш амалга оширилганда 72,7% нобуд бўладиган аҳамиятли тадбир ҳисобида ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

